

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

ЯНГИБОЕВ ҲУСНИДДИН АБДУМАЖИТОВИЧ

**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy(PhD) on
economical sciences**

Янгибоев Хусниддин Абдумажитович

Бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини
такомиллаштириш..... 3

Янгибоев Хусниддин Абдумажитович

Совершенствование механизмов расчета и сбора прямых налогов..... 27

Yangiboev Husniddin Abdumajitovich

Improving the mechanism for calculating and collecting direct taxes..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

ЯНГИБОЕВ ҲУСНИДДИН АБДУМАЖИТОВИЧ

**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ўқ1329 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанов Зият Ниязович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошмуродова Бувсара Эгамовна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Гадоев Эркин Файзиевич
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100063, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (0 371) 232-64-21; факс: (0 371) 239-41-23.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100063, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 232-64-21; факс: (0 371) 239-41-23, info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П.Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

С.К.Худайкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари амалиётида иқтисодий ривожланиш босқичларига боғлиқ ҳолда бевосита ва билвосита солиқлардан фойдаланиб келинмоқда. Аксарият ривожланган мамлакатлар солиқ маъмурчилигида бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Европа Иттифоқига кирувчи иқтисодий ривожланган мамлакатлар давлат бюджети, асосан, бевосита солиқлар ҳисобига тўлдирилади»¹. Экспертлар маълумотига кўра, «Хитой 2022 йилдан бошлаб, бевосита солиқлар улушини ошириш ва билвосита солиқлар улушини пасайтиришни навбатдаги асосий вазифалардан этиб белгиланган»². Жаҳон амалиётида солиққа тортишда бевосита солиқлар улушининг юқорилиги уларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини янада такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда иқтисодий тараққиётни таъминлашда бюджет-солиқ механизмининг аҳамиятини ошириш, бевосита ва билвосита солиқларнинг оптимал нисбатини шакллантириш борасида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бевосита солиқларнинг бюджет тушумларига таъсирини кучайтириш, аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, мамлакат ҳудудларидаги иқтисодий фаолиятнинг турли тафовут ва шароитларидан келиб чиқувчи тенгсизлик ҳолатларини юмшатиш, мулкдан тежамли ва самарали фойдаланиш, аҳоли даромадлари ўртасидаги табақаланиш даражасини тартибга солиш, солиқ тушумларини прогнозлаш ва уларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш кабилар - бу борадаги тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундиришни такомиллаштириш орқали солиққа тортиш механизми самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий субъектларнинг самарали ва тежамкор фаолиятини рағбатлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг даромад ва фойдани кўпайтиришдан манфаатдорлигини ошириш, бюджетни солиқ тушумлари билан тўлдиришга ундовчи мослашувчан механизмни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар орқали бевосита солиқларни ҳисоблаш методикасининг ишлаб чиқиши, солиқлар ва солиққа тортиш механизмининг такомиллашуви, халқаро стандартлар амалиётга жорий этилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ва солиқ ҳисоботларининг мувофиқлашуви каби жараёнларни самарали ташкил этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мазкур вазифаларни изчил ҳал этиш: тадбиркорлик субъектларига фойда солиғини тўлаш тартибини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришда инвестициявий чегирмаларни белгилаш,

¹ Тихонова А.В. К вопросу о выборе приоритетных подходов в налогообложении населения // Налоги и налогообложение. – 2021. – №4. – С.19-35. DOI: 10.7256/2454-065X.2021.4.35020 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=35020

² Тяга к совершенству. Китай готовит новые механизмы равномерного распределения богатства среди населения. - <https://podrobno.uz/cat/uzbekistan-i-kitay-klyuchi-ot-budushchego/tyaga-k-sovershenstvu-kitay-gotovit-novye-mekhanizmy-ravnomernogo-raspredeleeniya-bogatstva-sredi-nas/>. 3.02.2022.

якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти бўйича солиқни ҳисоблаш, жисмоний шахслар даромад солиғини белгилаш ва тўлашда энгилликлар бериш каби муаммоларнинг илмий ечимини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши, 2022 йил 30 августдаги ПҚ-364-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунининг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бевосита солиқларни солиққа тортишнинг назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан: А.Н. Бычкова, Ю.В.Горбунов, И.А.Майбуров, Ф.Э.Тоджибоева, В.Г. Пансков, Е.В.Богданова, Е.А.Нижникова, Л.М.Чугулькова, В.С.Фролова, В.Г.Пансков, Л.А.Чалдева, Н.А.Бондарева, М.Р.Шабанова, Р.И.Шумяцкий, Л.И.Гончаренко, Н.Г.Вишневская,³ларнинг илмий ишларидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар: Ш.А.Тошматов, А.С.Жўраев, Э.Ф.Гадоев, Б.Э.Тошмуродова, Н.Р.Қўзиева, С.К.Худайкулов, Н.Б.Ашурова,

³ Бычкова А.Н. Экономический механизм: определение, классификация и применение. 2020.; Ю.В.Горбунов. О понятии «механизм» в экономических науках.; Измалков С.Б., Сонин К.И., Юдкевич М.М. Теория экономических механизмов (Нобелевская премия по экономике 2007 г.) // Вопросы экономики. – 2008. – № 1. – С. 4–26.; Майбуров И.А. Теория налогообложения. / И.А.Майбуров, А.М. Соколовская. – М.: ЮНИТА-ДАНА, 2020.-591 с.; Тоджибоева Ф.Э. Влияние налогового механизма на развитие экономики Таджикистана. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности: 08.00.10 - Финансы, денежное обращение и кредит. Душанбе.2020.с.9.; Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика. Учебник. - Москва: Юрайт, 2021. -393.; Финансы: Учебник. Под. Ред. Л.А.Чалдевой.3 изд. –Москва: Юрайт.2021. -491.с Бондарева Н.А. Особенности применения инвестиционных налоговых вычетов. Учет. Анализ. Аудит. = Accounting.Analysis.Auditing. 2020;7(2):48-55. DOI: 10.26794/2408-9303-2020-7-2-48-55.; Шабанова М.Р., Шумяцкий Р.И. Инвестиционный налоговый вычет как альтернатива амортизации // Финансы и управление. - 2020. - № 1. DOI: 10.25136/2409-7802.2020.1.29570 URL: <https://nbpublish.com/library/read/article.php?id=29570>.; Гончаренко Л. И., Вишневская Н. Г. Налоговое стимулирование инновационного развития промышленного производства на основе анализа передового зарубежного опыта. Экономика. Налоги. Право. 2019;12(4):121-131. DOI: 10.26794/1999-849X-2019-12-4-121-131.

Ж.Ж.Ўрмонов, А.Х.Исламкулов, Н.Х.Ҳайдаров, И.М.Ниязметов, А.К.Назаров, Б.К.Қодиров, К.Р.Ҳотамов, З.Н.Қурбонов⁴ ларнинг илмий ишларида бевосита солиқларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари, қисман, ўз аксини топган. Хусусан, А.Бозоров томонидан бевосита солиқлар асосини ташкил этувчи жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган даромад солиғини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Б.К.Қодировнинг тадқиқотида жаҳон инқирози шароитида иқтисодий тиклаш ва ривожлантиришда бевосита ҳамда билвосита солиқлардан фойдаланиш бўйича илмий хулоса ва таклифлар берилган⁵.

Бироқ, юқорида қайд этилган иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида бевосита солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Рақамли иқтисодий шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш» мавзуидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бевосита солиқларни ҳисоблаш ҳамда маъмурчилик механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«солиқ механизми», «бевосита солиқ» тушунчаларининг иқтисодий моҳиятини изоҳлашда иқтисодчи олимларнинг илмий ёндашувлари моҳиятини ёритиш;

бевосита солиққа тортишнинг хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз амалиётида қўллашни илмий жиҳатдан асослаш;

⁴ Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. – Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 2004. - 160 б.; А.Ваҳобов, А.Жўраев Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.: А.Ваҳобов, А.Жўраев. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодий бошқариш механизми. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.; Юридик шахсларни солиққа тортиш. Дарслик./ Э.Гадоев, Н. Қўзиёва, Н.Ашурова, Ж.Ўрмонов.- Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2013.-616 б.; Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2019, Исламкулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2003.; Ниязметов И.М. Инвестицион-инновацион фаолликни оширишда солиқ механизмининг роли.-Иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. //Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами.-Тошкент: Молия, 2017. 197 б., Назаров А. К.“Кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштириш. 08.00.08 - “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”, 08.00.07- “Молия, пул муомаласи ва кредит”Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати.2021.; Кодиров Б. К. Жаҳон инқирози шароитида бевосита ва билвосита солиқлар асосида Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш йўллари. Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2020, 3(135); Ҳотамов К., Қурбонов З. Солиқлар таҳлилининг такомиллаштириш масалалари. //«Biznes-Эксперт» илмий-амалий, иқтисодий ойлик журнали. : №8(92)-2015.; Қурбанов З.Н. Солиқ аудитининг назарий масалалари.// “Логистика ва иқтисодий” электрон илмий журнал. 1-сон.2020. 47-53 б.

⁵ Кодиров Б.К. Жаҳон инқирози шароитида бевосита ва билвосита солиқлар асосида Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш йўллари. //Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2020, 3(135)

солиқ тушумларида бевосита солиқлар улушининг ўзгариш тенденциясини илмий жиҳатдан ўрганиш;

фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

фойда солиғи базасини аниқлашда амортизация ажратмаси ва инвестициявий чегирмалар таъсирини асослаш;

айланмадан олинадиган солиқ механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган юридик ҳамда жисмоний шахслар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бевосита солиқларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ молиявий ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида таққослаш, диалектик ёндашув, тизимли таҳлил, шунингдек, иқтисодий усуллар - статистик, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уч йил давомида фаолият кўрсатиб, ҳисобланган фойда солиқларини ўз муддатида тўлиқ тўлаб келаётган, бироқ молиявий аҳволига кўра, солиқ қарзларини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига фойда солиғини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилиши асосланган;

туристик ҳудудларда фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматлари билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун 2025 йил 1 январга қадар айланмадан олинадиган солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида белгилаш бўйича таклиф берилган;

айланмадан олинадиган солиқ тўловчи ҳисобланувчи якка тартибдаги тадбиркор учун солиқ ҳисоблашда фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий, оилавий, мол-мулкни сотишдан олинган даромадларини ҳисобга олмаслик таклифи асосланган;

жисмоний шахслар учун якка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадонининг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаган ҳамда дастлабки бадални ва ипотека кредити бўйича фоизлари бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидиялар ҳисобидан олинган ипотека кредитларига ҳисобланган фоизларни қоплаш учун, бир йил давомида, жами ўн беш миллион сўмгача даромад солиғидан озод этиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молиявий аҳволига кўра, солиқ қарзларини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига фойда солиғини бўлиб-бўлиб тўлаш асослаб берилган;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумотда акс эттирилган кўрсаткичларни молиявий ҳисоботнинг 2-шакли–

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва Фойда солиғи ҳисоб-китоби солиқ ҳисоботидаги кўрсаткичларга мослаштириш бўйича берилган таклиф амалиётга жорий этилган;

инвестициявий чегирма миқдорини биринчи ва иккинчи гуруҳлар учун 20 ва 10 фоиз этиб белгилаш асосланган ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган;

айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблашда якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий оилавий, мол-мулкни сотишдан олинган даромадларининг ҳисобга олинмаслиги тартиби амалиётга жорий этилган;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ҳамда жунни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга сотилганида ҳамда ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 80 фоизни ташкил қилганда, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқдан ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларга фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқлардан имтиёз бериш юзасидан берилган таклифлар амалиётга жорий этилган;

жисмоний шахслар якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаган ҳамда дастлабки бадални ва ипотека кредити бўйича фоизлари бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидиялар ҳисобидан олинган ипотека кредитларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун, бир йил давомида, жами ўн беш миллион сўмгача даромад солиғидан озод этиш таклифлари солиққа тортиш амалиётида қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ҳаққонийлиги ишда қўлланилган ёндашув ҳамда таклифларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг ишончли расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, тадқиқотлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва таҳлил, маълумотларга асосланганлиги ҳамда хулосалар ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундиришнинг назарий-услубий асосларини бойитишда, солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқот ишларида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан солиқ амалиётини такомиллаштириш, жумладан, бевосита солиқлар ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини тузиш жараёнларини соддалаштириш ва қулайлаштириш, солиқ тўловларининг ундирувчанлик даражасини ошириш, солиқ функциялари самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бевосита солиқларни ҳисоблаш, ундириш ҳамда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ҳамда амалий тавсиялар асосида:

уч йил давомида фаолият кўрсатиб, ҳисобланган фойда солиқларини ўз муддатида тўлиқ тўлаб келаётган, бироқ молиявий аҳволига кўра, солиқ қарзларини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига фойда солиғини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилиши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 октябрдаги ЎРҚ-722-сонли қонунига асосан, Солиқ кодексининг 99-100-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 12 майдаги №06/14-01-01-37/1197-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тоифадаги солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволи яхшиланган ва солиқ бўйича қарз миқдорининг камайишига эришилган;

туристик ҳудудларда фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматлари билан шуғуланувчи тадбиркорлар учун 2025 йил 1 январга қадар айланмадан олинadиган солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида белгилаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарорида ҳамда Солиқ кодексининг 483-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 13 июндаги 15-78178-сон маълумотномаси). Натижада, 2022 йилда 14000 дан ошиқ хўжалик юритувчи субъектлар 33300 млн. сўм миқдоридаги имтиёзга эга бўлиши кутилмоқда;

айланмадан олинadиган солиқ тўловчи ҳисобланувчи якка тартибдаги тадбиркор учун солиқ ҳисоблашда фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий, оилавий, мол-мулкни сотишдан олинган даромадларининг ҳисобга олинмаслик таклифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 465-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 12 майдаги №06/14-01-01-37/1197-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тоифадаги солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволи яхшиланган ва солиқ бўйича қарз миқдорининг камайишига олиб келган;

жисмоний шахслар учун якка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадонининг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаган ҳамда дастлабки бадални ва ипотека кредити бўйича фоизлари бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидиялар ҳисобидан олинган ипотека кредитларига ҳисобланган фоизларни қоплаш учун бир йил давомида жами ўн беш миллион сўмгача даромад солиғидан озод этиш таклифи Солиқ кодексининг 378-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 12 майдаги №06/14-01-01-37/1197-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасининг аниқлиги ҳамда бу солиқни ҳисоблашда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг бир-бирига мос келишини таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «**Бевосита солиқларнинг назарий ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда солиқ механизми ва уни такомиллаштиришнинг назарий - ҳуқуқий асослари, бевосита солиқларнинг назарий - ҳуқуқий асослари ҳамда бевосита солиқларни қўллашнинг жаҳон тажрибаси масалалари тадқиқ этилган.

Солиқ сиёсати солиқ механизми орқали амалга оширилади. Солиқ сиёсати - давлатнинг солиқ соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар йиғиндиси. Солиқ механизми – давлат томонидан солиқ муносабатларини ташкил этиш учун қўлланиладиган (ҳуқуқий база асосида) солиққа тортиш жараёнининг элементлари ва уларни бошқаришнинг йиғиндисини ифодалайди. Бошқача айтганда, солиқ механизми - бу солиқ муносабатларини ташкил қилиш усуллари йиғиндиси бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий ривожланишда қулай шарт-шароитлар таъминлаш учун давлат томонидан қўлланилади. Солиқ механизми тегишли солиқ сиёсатини амалга ошириш учун солиққа тортиш тартибини белгиловчи ўзаро боғлиқ элементлар тизими сифатида белгиланиши мумкин. «Солиқ механизми элементларига: 1) солиқ ахборотлари; 2) солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштириш; 3) солиқларни тартибга солиш; 4) солиқ ҳуқуқи; 5) солиқ назорати киради».⁶

Давлат бюджети даромадларини шакллантириш жараёнида шу вақтга қадар билвосита солиқларга устуворлик берилган бўлса, солиқ сиёсатини


⁶ Налоги и налогообложение [Текст]: учебник / [М. М. Шадурская, Е. А. Смородина, Т. В. Бакунова и др.]; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. гос. экон. ун-т. — 2-е изд., перераб. и доп. — Екатеринбург: [Изд-во Урал. гос. экон. ун-та], 2019. — 216 с.

такомиллаштириш концепцияси доирасида бевосита солиқларга устуворлик берилмоқда. Иқтисодий муносабатлар ва бозор инфраструктурасининг ривожланишига мутаносиб ҳолда солиқларни белгилаш тартиблари ўзгариб бораётганлиги сабабли ҳозирги шароитда бевосита солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб берадиган таърифни келтириш мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, бевосита солиқларнинг назарий ва амалий жиҳатдан иқтисодий моҳиятини тўлиқ ёритиш учун илгари берилган таърифларни умумлаштириб, қуйидаги таърифни бериш мумкин:

Бевосита солиқлар - юридик ёки жисмоний шахсларнинг фойдаси ёки даромадига, мол-мулкига, табиий бойликлардан қазиб олганига, фойдаланганига, ишлаб чиқарганига, иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатларига белгиланиб, солиқ тўловчининг даромадидан ёки фойдасидан бевосита давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўловидир.

Билвосита солиқлар мамлакатимиз бюджети учун улкан даромад манбаи бўлиб, узоқ йиллардан буён унинг ҳиссаси давлат бюджетининг даромадлари қисмида катта улушга эга бўлиб келган, 2021 йилда улуши жами 56 290,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бевосита солиқларнинг улуши 58 930,4 млрд. сўмни ташкил этган.

2012-2021 йилларда жами мамлакатимиз бюджети даромадларининг ичида солиқ тушумларининг энг юқориси – 2017 йилда 52,6 фоизи билвосита солиқлар билан боғлиқ бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бевосита солиқларнинг улуши 35,8 фоизни ташкил этган. (1-расм).



1-расм. 2012-2021 йилларда бюджетнинг даромадлар манбаида солиқлар улуши, фоизда⁷

⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалда 2012-2021 йиллардаги бюджетнинг даромадлар манбаида солиқлар улуши таҳлил қилинган бўлиб, бюджетнинг даромадлар қисмини 2012 йилда 90,0 фоизини, 2013 йилда 90,2 фоизини, 2014 йилда 92,0 фоизини, 2015 йилда 89,9 фоизини, 2016 йилда 88,4 фоизини, 2017 йилда 89,7 фоизини, 2018 йилда 88,0 фоизини, 2019 йилда 87,2 фоизини, 2020 йилда 84,9 фоизини, ҳамда 2021 йилда 84,0 фоизини солиқлар ташкил этмоқда. Мос равишда, бошқа даромадлар 2012 йилда 10,0 фоизни, 2013 йилда 9,8 фоизни, 2014 йилда 8,0 фоизни, 2015 йилда 10,1 фоизни, 2016 йилда 11,6 фоизни, 2017 йилда 10,3 фоизни, 2018 йилда 12,0 фоизни, 2019 йилда 12,8 фоизни, 2020 йилда 15,1 фоизни ҳамда 2021 йилда 16,0 фоизни ташкил қилмоқда.

Демак, бюджетнинг даромадлар манбаида солиқлар энг катта улушга эга ҳисобланади.

Эътиборлиси, юқорида таъкидлаганимиздек, ривожланган мамлакатларда давлат бюджети даромадлари манбаида бевосита солиқларнинг улуши катта ҳисобланади. Хусусан, 2012 йилда билвосита солиқларнинг улуши 49,0 фоиздан 2021 йилда 23,3 фоизга камайганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Аксинча, бевосита солиқлар 2012 йилдаги 25,4 фоиздан 2021 йилга 35,8 фоизга ошиб борганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

1-жадвал

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад қисми⁸.

(млрд. сўм)

Йиллар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
Давлат бюджети даромадлари	49 681,0	100	79 099,0	100	112 165,4	100	132 938,0	100	164 680,3	100
Бевосита солиқлар	11 539,4	23,2	15 656,2	19,8	31 676,8	28,2	45 206,9	34,0	58 930,4	35,8
Билвосита солиқлар	26 133,2	52,6	41 280,4	52,2	46 427,2	41,4	46 428,4	34,9	56 290,5	34,2
Ресурс солиқлари	6 867,4	13,8	12 663,4	16,0	19 680,7	17,5	21 257,0	16,0	23 036,4	14,0
Бошқа даромадлар	5 141,0	10,3	9 499,0	12,0	14 380,7	12,8	20 045,7	15,1	26 423,0	16,0

Диссертациянинг «Фойда солиғини ҳисоблаш, ундириш ва назорат қилиш механизмини такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобида фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ундириш механизмнинг амалдаги ҳолати таҳлили, фойда солиғи базасини аниқлашда амортизация харажатлари ва инвестициявий чегирмани ҳисобга олиш тартиби ҳамда фойда солиғи бўйича солиқ назоратини ўтказиш тартибини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

⁸ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг
2019-2021 йиллардаги фойда солиғи бўйича қарздорлик таҳлили⁹**

(млрд. сўм)

Т/р	Худуд номи	Фойда солиғи қарзи		
		2019 йил	2020 йил	2021 йил
	Республика бўйича	111,7	180,5	963,6
	ЙСТБХ ДСИ	39,6	21,0	139,3
	Худудлар бўйича	72,2	159,5	824,3
1	Қорақалпоғистон Рес.	0,8	13,8	14,3
2	Андижон вилояти	5,9	18,3	105,8
3	Бухоро вилояти	11,6	21,2	26,3
4	Жиззах вилояти	1,3	4,5	18,0
5	Қашқадарё вилояти	5,3	21,6	33,3
6	Навоий вилояти	1,0	1,4	3,9
7	Наманган вилояти	1,8	1,9	18,7
8	Самарқанд вилояти	3,4	3,7	52,2
9	Сурхондарё вилояти	1,1	4,7	10,8
10	Сирдарё вилояти	3,8	6,4	18,0
11	<i>Тошкент вилояти</i>	<i>10,6</i>	<i>13,2</i>	<i>110,0</i>
12	<i>Фарғона вилояти</i>	<i>2,5</i>	<i>6,7</i>	<i>115,9</i>
13	Хоразм вилояти	1,4	3,4	19,1
14	<i>Тошкент шаҳри</i>	<i>22,0</i>	<i>38,8</i>	<i>277,9</i>

Фойда солиғи бўйича қарздорликнинг йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак (2-жадвал),

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг фойда солиғи бўйича қарздорлиги 2019 йилда 111,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда – 180,5 млрд. сўм, 2021 йилда 963,6 млрд. сўмни ташкил этган. Энг кўп фойда солиғи бўйича қарздорлик худудлар кесимида қаралганда: 2021 йилда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхоналар – 277,9 млрд. сўм, Фарғона вилояти – 115,9 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 110,0 млрд. сўмни ташкил этган.


Ҳозирги вақтда дунёнинг 218 та мамлакатада фойда солиғи ундирилади. Фойда солиғи ставкаси ушбу мамлакатларнинг 44 тасида – 0-10 фоизгача, 50 тасида – 10-20 фоизгача, 111 тасида – 20-30 фоизгача, 26 тасида – 30-40 фоизгача, 2 тасида 45-55 фоизгача этиб белгиланган. Фойда солиғи тушуми дунё ЯИМда 26,3 % ини, солиқли даромадларнинг 33,0 % ини ташкил этади. Бундан кўринадики, фойда солиғи бутун дунё бўйича бюджет

⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

даромадларидан шакллантириладиган асосий солиқ туридан бири бўлиб, давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади¹⁰.

Фойда солиғи юки ва солиқ ставкасини камайтиришга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Натижада, дунё бўйича фойда солиғи ставкаси 1980 йилда ўртача 40,38 фоизни ва ЯИМдаги улуши 46,67 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда эса, фойда солиғи ставкаси 24,18 фоизга, ЯИМдаги улуши 26,30 фоизгача пасайтирилган¹¹.

Мамлакатимизда фойда солиғи ставкасини пасайтириш ҳисобига солиқ базаси кенгаймоқда ҳамда фойда солиғи тўловчилари сони ошмоқда (2-расм).



2-расм. Фойда солиғи бўйича 2016-2021 йилларда солиқ тўловчилар сонининг динамикаси¹²


Республикаимизда фойда солиғини тўловчилар 2016 йилда 7593 та бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич – 145 434 та бўлган, яъни 19,2 баробарга ошган.

Фойда солиғининг ставкаси, йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак (3-расм), 1997 йилда – 36,0 фоиз, 2000 йилда – 31,0 фоиз, 2005 йилда – 15,0 фоиз, 2010 йилда – 9,0 фоиз, 2015 ва ундан кейинги йилларда 7,5 фоиз бўлган бўлса, 2019 йил 1 январдан бошлаб, фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. 2020-2022 йилларда бу кўрсаткич 15,0 фоизни ташкил этди.

¹⁰ Asen, E. (2019). Corporate Tax Rates around the World, 2019. taxfoundation.org, December 10, 2019.

¹¹ Asen, E. (2019). Corporate Tax Rates around the World, 2019. taxfoundation.org, December 10, 2019.

¹² Расм Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида 1997-2022 йилларда юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасининг ўзгариш тенденцияси¹³

Мамлакатимизда фойда солиғи бўйича тушум йилдан йилга ошиб бормоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда фойда солиғи тушуми ва унинг улуши таҳлили¹⁴.

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
1.	ЯИМ миқдори	317 476,4	424 728,7	529 391,4	602 193,0	734 587,7
2.	Давлат бюджети даромадлари	49 681,0	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3
3.	Бевосита солиқлар	11 539,4	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,3
4.	Фойда солиғи тушуми	1 475,5	3 502,2	16 360,6	28 712,3	38 363,3
5.	Фойда солиғининг ЯИМдаги улуши, %	0,5	0,8	3,1	4,8	5,2
6.	Фойда солиғининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши, %	3,0	4,4	14,6	21,6	23,3
7.	Фойда солиғининг бевосита солиқлар таркибидаги улуши, %	12,8	22,4	51,6	63,5	65,1

3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ миқдори – 317 476,4 млрд.сўмдан 734 587,7 млрд. сўмга, Давлат бюджети даромадлари миқдори – 49 681,0 млрд. сўмдан 164 680,3 млрд.сўмга, бевосита солиқлар миқдори – 11 539,4 млрд. сўмдан 58 930,3 млрд.сўмга, фойда солиғи миқдори – 1 475,5 млрд. сўмдан 38 363,3 млрд.сўмга ошган. Мазкур даврда фойда солиғининг ЯИМдаги улуши – 0,5 фоиздан 5,2 фоизга, Давлат бюджети даромадларидаги улуши – 3,0 фоиздан 23,3 фоизга, бевосита солиқлар таркибидаги улуши – 12,8 фоиздан 65,1 фоизга ўсган.

¹³ Расм Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹⁴ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Фойда солиғининг базасини аниқлашда амортизация ажратмаси ва активлар бўйича инвестициявий чегирмалар таъсирини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Амортизация қилинадиган актив бўйича инвестициявий чегирманинг қўлланилиши корхонанинг бухгалтерия ҳисоб сиёсатида қабул қилинган усулларга мувофиқ амортизация ҳисоблаш ва бундай актив бўйича бухгалтерия ҳисобида уни акс эттириш тартибига таъсир кўрсатмайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддасида: «Солиқ тўловчи амортизация қилинадиган активлар бўйича инвестициявий чегирмаларни ушбу моддада белгиланган тартибда ва шартларда қўллашга ҳақли. Инвестициявий чегирма амортизация харажати», деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган инвестициявий чегирмада, аввало ушбу имтиёздан барча солиқ тўловчилар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам фойдаланиши мумкин бўлади, қолаверса, амортизация миқдоридан қатъи назар, инвестиция чегирмаларини амалга оширишга имконият яратилди.

Қўйидаги жадвалда фойда солиғи бўйича қўлланилган инвестициявий чегирмалар таҳлили келтирилган. (4-жадвал)

4-жадвал

2020-2021 йилларда фойда солиғи бўйича қўлланилган инвестициявий чегирмалар таҳлили¹⁵

млрд.сўм

Т/р	Худуд номи	2020 йил	2021 йил	Фарқи (- кам, + кўп)
	Республика бўйича	945,2	2 392,2	1 447,0
1	Қорақалпоғистон Рес.	1,9	3,8	1,9
2	Андижон вилояти	6,0	11,6	5,7
3	Бухоро вилояти	5,1	71,1	66,0
4	Жиззах вилояти	0,7	3,7	3,0
5	Қашқадарё вилояти	68,8	12,7	-56,1
6	Навоий вилояти	1,8	3,3	1,5
7	Наманган вилояти	5,1	10,8	5,7
8	Самарқанд вилояти	6,0	23,6	17,6
9	Сурхандарё вилояти	0,0	1,0	1,0
10	Сирдарё вилояти	2,9	1,9	-1,0
11	Тошкент вилояти	25,4	31,5	6,2
12	Фарғона вилояти	9,6	23,8	14,2
13	Хоразм вилояти	2,9	6,0	3,0
14	Тошкент шаҳри	43,9	113,4	69,5
15	Йирик солиқ тўловчилар	765,1	2 074,0	1 308,9

2020 йилда Республика бўйича кўчмас мулк ҳамда бошқа мулкларга инвестициявий чегирмаларни қўллаш натижасида солиқ тўловчилар бир вақтнинг ўзида солиқ базасини жами 945,5 млрд. сўмга камайтирдилар, уларнинг тасарруфида қарийб маблағ 146,0 млрд сўм маблағ қолган бўлса

¹⁵ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

шундан энг кўп инвестициявий чегирмани қўллаган ҳолда йирик солиқ тўловчилар 765,1 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 68,8 млрд. сўм, Тошкент шаҳри – 43,9 млрд сўм ҳамда Тошкент вилояти 25,4 млрд сўмлик солиқ базасини камайтирганини кўришимиз мумкин.

2021 йилда республика бўйича кўчмас мулк ҳамда бошқа мулкларга инвестициявий чегирмаларни қўллаш натижасида солиқ тўловчилар бир вақтнинг ўзида солиқ базасини жами 2392,2 млрд. сўмга камайтирдилар, уларнинг тасарруфида қарийб 370,0 млрд. сўм маблағ қолган бўлса, шундан энг кўп инвестициявий чегирмани қўллаган ҳолда йирик солиқ тўловчилар 2074,0 млрд. сўм, Тошкент шаҳри – 113,4 млрд. сўм Тошкент вилояти 31,5 млрд. сўм ҳамда Фарғона вилояти 23,8 млрд. сўмлик солиқ базасини камайтирганини кўришимиз мумкин.

Республика бўйича 2020 йилга нисбатан 2021 йилда кўчмас мулк ҳамда бошқа мулкларга инвестициявий чегирмаларни қўллаш натижасида қўшимча 1447,0 млрд сўмга солиқ базасини камайтиришга эришилганини кўриш мумкин.

Инвестициявий чегирма миқдорининг 2021 ва 2022 йиллардаги ўзгариши 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Инвестициявий чегирма ставкаларининг 2021 ва 2022 йиллардаги миқдори¹⁶

Т.Р	Инвестициявий чегирма	2021 йил	2022 йил
1.	Янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағларга нисбатан	10 фоиз	20 фоиз
2.	Ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағларга нисбатан	5 фоиз	10 фоиз

Россия Федерацияси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Дмитрий Кийконинг қайд этишича: инвестициявий чегирма миқдори 2022 йил 1 январдан ўзгарди, бино, иншоотлар ва узаткич қурилмалар бўйича 20 фоизгача, машина ва ускуналар бўйича 40 фоизгача этиб белгиланди.¹⁷

¹⁶Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹⁷Дмитрий Кийко. Внесение изменений в Налоговый кодекс РФ. <https://www.belta.by/economics/view/nalogovyy-kodeks-chto-menjaetsja-s-2022-goda-477892-2022/>. 6.01.2022.


Диссертациянинг «Бевосита солиқ турлари бўйича солиққа тортишни такомиллаштириш» номли учинчи бобида айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаш тартиби ва ҳисоботини такомиллаштириш ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони¹⁸га асосан 2022 йил 1 октябрга қадар шароити «оғир» бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди. Бундан кўринадики, айланмадан олинадиган солиқ механизмини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 18-моддасида солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун айланмадан олинадиган солиқ белгилаб қўйилган. Кодекснинг 461-моддасида айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;

2) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар (4-расм).¹⁹



4-расм. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар

Айланмадан олинадиган солиқнинг бюджет даромадидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 ва 2021 йилларда 1 фоизни ташкил этган (6-жадвал).

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2022.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу солиқ бўйича тушум 2017 йилда 3 458,4 млрд.сўм бўлган, 2021 йилда 1 649,4 млрд. сўмни ташкил этган. Айланмадан олинадиган солиқ тушумининг бевосита солиқлар таркибидаги улуши 2017 йилда 30 фоизни, 2020 йилда – 3,0 ва 2021 йилда – 2,8 фоиз бўлган. Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушум ва улушнинг пасайиши асосан кўп корхоналарнинг соддалаштирилган солиқ режимидан умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтганлигидандир.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда айланмадан олинадиган солиқ тушуми ва унинг улуши таҳлили²⁰.

млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
1.	ЯИМ миқдори	317 476,4	424 728,7	529 391,4	602 193,0	734 587,7
2.	Давлат бюджети даромадлари	49 681,0	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3
3.	Бевосита солиқлар	11 539,4	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,3
4.	Айланмадан олинадиган солиқ тушуми (Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун Давлат бюджетига ажратмалар, Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар)	3 458,4	4 706,5	1 988,7	1 353,9	1 649,4
5.	Айланмадан олинадиган солиқ тушумининг ЯИМдаги улуши, %	1,1	1,1	0,4	0,2	0,2
6.	Айланмадан олинадиган солиқ тушумининг Давлат бюджети даромадларидаги улуши, %	7,0	6,0	1,8	1,0	1,0
7.	Айланмадан олинадиган солиқ тушумининг бевосита солиқлар таркибидаги улуши, %	30,0	30,1	6,3	3,0	2,8

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича фаолият кўрсатаётган «KELAJAK NBR»нинг 2019-2021 йиллар бўйича солиқ ҳисоботлари таҳлил қилинди (7-жадвал).

²⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

«KELAJAK NBR» МЧЖнинг 2019 йилда айланмадан олинадиган солиқ базаси 385 005 000 сўмни ташкил этган, 2020 йилда 336 814 583,20 сўм ҳамда 2021 йилда 613 735 521 сўм бўлган. Айланмадан олинадиган солиқ сўммаси, мос равишда, 2019 йилда – 15 400 200 сўмни, 2020 йилда – 11 242 583,33 сўмни, 2021 йилда 24 549 420,84 сўмни ташкил этган.

7-жадвал

«KELAJAK NBR» МЧЖ нинг 2019-2021 йиллар бўйича айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботи таҳлили²¹.

(сўмда)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	988 670 104,20	341 505 000,00	336 814 583,20	310 350 521,00
